

ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚАСИ ВОСИТАСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ

Хасанова Наргиза Ширинбековна

Андижон давлат педагогика институти

Ижтимоий гуманитар фанлар ва санъат факультети

“Тасвирий санъат ва мусиқа таълими” кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ёш авлоднинг ҳозирги кунда мактабгача таълим таъкилотларида мусиқа тарбияси орқали, ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф одатларимизни қадрлайдиган, маънан етук жисмонан соғлом, қилиб тарбиялаш масаласи кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: *Мультимедия – (мульти-кўп, медиа-муҳим) мультимедия – бу замонавий техник ва дастурий воситалардан фойдаланиб, интерфаол дастурий таъминот остида бошқариладиган видео ва аудио эффектларнинг ўзаро боғлиқлиги бўлиб, матн, товуш, графика, фото видеони бирлаштиради.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается вопрос воспитания подрастающего поколения зрелыми и физически здоровыми, дорожающими национальными ценностями и традициями узбекского народа посредством музыкального воспитания в дошкольных образовательных учреждениях.

Ключевые слова: *Мультимедия – (мульти- много, медиа-важно) мультимедия- это совокупность видео и аудиоэффектов, управляемых в интерактивном программной обеспечении с использованием современных технических и программных средств, объединяющая текст, звук, графику, фото-видео*

ABSTRACT

The article examines the issue of raising the young generation to be mature and physically healthy, who value the national values and traditions of the Uzbek people through music educational institutions.

Keywords: *Multimedia – (multi- many, media-important) Multimedia – is a combination of video and audio effects controlled under interactive software using modern technical and software tools, combining text, sound, graphics, photo video*

КИРИШ

Миллатнинг келажаги ҳисобланган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб вояга етказиши, уларни маълум тарбияси, маънавий камолоти

масаласини давлат даражасига кўтарилиши бугунги кунда тарбия мураббийлари олдида турган долизарб вазифадир. Маълумки вазирлар маҳкамаси болалар боғчаларининг босқичма-босқич давлат тасаруфига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиниб унда Ўзбекистоннинг келажагини кўрадиган ёш баркамол авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш, ўқишга ўргатиш уларнинг ўз имкониятларини англашга, билим олишга, ҳунар ўрганишига кўмак бериш назарда тутилган. “Биз ўсиб келаётганг ёш авлодни, таълим тарбиясининг, уларнинг замонавий илғор бўлишларига эга бўлган ҳолда, улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимизни устивор йўналиши деб биламиз”- дейди мухтарам президентимиз Ш. М. Мирзияев

Шундай экан ёш авлодни тарбиялаш, маданиятли қилиб ўстириш тарихий меросларимизни асрай олишга ўргатиш, аввало болалар боғчасининг тарбиячи мураббийларига боғлиқ. Болаларни атроф муҳит билан таништириш ва сўз орқали борлиқни билиб олишга, табиатни Ватанни севишга ўргатиш болалар боғчасида тарбия олишдан бошланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Болаларни сўз бойлигини ошириш, нутқини ривожлантириш хотираси мусикий қобилиятини ўстириш, ўтказиладиган барча машғулотларда, ҳусусан мусиқа машғулотларида ўйин, мултимедия инавацион технологиялардан фойдаланишга боғлиқ. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим тарбия беришда асосий мақсад, уларни жисмонан соғлом, маънан етук, маданиятли, меҳнатсевар, ватанпарвар, маънавий пок одоб ахлоқли инсонлар қилиб вояга етказиш. “ Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат таълаблари ” асосида ишлаб чиқилган “ Илк кадам ” дастурида илк ёшдан олти-етти ёшгача бўлган болаларни жисмоний, ижтимоий - ҳиссий, нота ўқиш ва саводга таёрлаш, ақлий ривожлантириш бўйича, педагогик вазифалар асосида ҳар бир ёш гуруҳ болалари ўқув йили охирига келиб эгаллашлари лозим бўлган малака ва билимларининг зарурий ҳажми берилган. Ёш болаларни хартомонлама камол топтириш ва тарбиялаш турли воситалар, ҳамда мусиқа машғулотлари тадбирлар, эрталиклар орқали амалга оширилади. Мусиқа машғулотлари, байрам эрталиклари, инавацион технология, мултимедия, электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалар, слайдлардан фойдаланиб, боғча болаларини нутқ маданияти, дунёқарашини шакллантиради. Атроф муҳитни тўғри англашда эса, ўзларини ўраб турган нарсаларни, юз бераётган ходисалар, куй ва

кўшиқларни, рақсларни ҳаракатларини бажаришга қизиқадилар ва меҳнатга лаёқатлик жихатдан етук бўлишга интиладилар.

Улуғ аллома Абу Наср Фаробий “ Ҳар бир киши аъло даражада тарбия олмоғи керак ва чуқур билимга эга бўлмоғи лозим. Атроф муҳитдан барча нарса ва ҳодисаларни билмоғи учун, мусиқа ва тарбия воситалари орқали болаларга илк ёшдан энг яхши фазилатларни уйғотмоқ лозим ” -айтган эди. “ Ақл ҳақида рисола ” “ Китобул ахлоқ ” ва бошқа бир қанча асарларда. Боғча ёшидан берилган таълим тарбия, тўғри олиб борилиши керак, чунки боғча ёшидан олиб борилган билимлар, мусиқий машғулотлар, дидактик ўйинлар, топишмоқлар, куй ва кўшиқлар, эртаклар, ўзаро муомила маданиятлари бола қалбида бутун умр муҳрланиб қолади. Болаларни нутқини ўстириш, мусиқий қобилиятини, хотирасини ривожлантиришга турли ўйинлар, машғулотлар, рақс ҳаракатлари эртакларни, ўзбек халқ куй ва ашуллалари муҳим аҳамиятга эга. Болаларни камолот сари етаклашда, тарбиянинг кўплаб омиллари қатор, мусиқа тарбиясини аҳамияти катта. Бола мусиқа билан илк бор оилада, она алласи орқали танишиб, умрбод мусикадан мадад топади, маънавий озуқа олади. Зеро, куй ва оханг таъсирида эзгуликка интилиш, гўзалликни асраш, ватанга садоқат, табиатга муҳаббат хис туйғулари аста-секин ривожланиб боради. Оилада, онаси бағрида бола ҳали юришни, сўзлашишни билмай туриб, мусиқани эшитиб ором олади, шўх мусиқани эшитиб турли кўл ҳаракатларни бажариб, мусиқага муносабатини билдиради. Онасидан алла эшитган бола эса, одобли, меҳрибон, меҳнатсевар, ҳалол инсон бўлиб вояга етади. Яхши майин, чиройли мусиқа бола миясини, нерв тузилишини ривожланишига кўмак беради. Илк мусиқани болалар онгида шакллантириш ва мусиқага қизиқишини уйғотиш албатта боғчадан бошланади. Айниқса ўзбек халқ куй ва кўшиқларини болаларга ўргатиш, уларда қизиқишини уйғотади, чунки ўзбек халқ мусикаси билан болалар она алласи, телевидения, радио, маҳаллаларда бўладиган тўйлар, бешик тўйлар орқали таниш бўладилар, бу эса уларни қалбини қувонч ва завққа тўлдиради.

Болалар боғчасида ўтказиладиган мусиқа машғулотларида ҳам, бола мусиқани тинглаб ирок қилади ва ундан завқ, маънавий озуқа олади. Машғулотларда болаларни кўшиқ куйлаш рақс элементларини бажариш, чапак чалиш ва чолғу асбобларида жўр бўлиши уларга янада қизиқиш уйғотади, чунки болалар серҳаракат ўйинга, эркалатишга ширин сўзга мойил бўладилар. Рақс ҳаракатлари орқали бола тез қабул қилади. Миллий халқ кўшиқларидан “ Ковушим ” “ Чаманда гул ”

“ Офтоб чикди оламга ” “ Бойчечак ” “ Нон ёпканда менинг ойим ” “ Ойижон бошгинам оғридиё ” каби кўшиқлар болаларда миллий урф одатларимизга хурмат туйғусини шакллантиради. Болаларни ўзбек халқчоғу асбобларида чалишга ўргатиш уларни фикр доирасини, ноталарни ўргатиб, чолғуларни чалиш усуллари билан таништириш, ритм туйғуси, жамоада чалиш одатлари шаклланади. Ўзбек халқ мусиқасига миллий чолғу созларига қизиқиши ва меҳр мухаббат уйғонади. Улар мусиқани сирли оламини кашф этиб чолғу созлар овозларини турли оҳангдош куй ва мусиқа бир-биридан фарқ қила бошлайдилар. Мусиқа жўрлигида кўшиқ айта олиш, расга туша олиш, рақсга тушганда ҳаракатларни мослаштира олиш, мусиқани тинглаб таҳлил қилиш каби билимларига эга бўла бошлайдилар. Бундан ташқари бола боғчасида ўтказиладиган мусиқий байрам эрталиклари, уларга кучли таъсир этиб, байрамларнинг тарбиявий кучи ўз ғоясига эга бўлиб хотиралар қолдиради, болалар дунёқарашини бадийий ва маънавий томондан бойитади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида болалар миллий шаклланиб, миллий қадриятларимиз, урф одатларимизни қадрлайдиган одобли, ақлли, ҳар томонлама етук жисмонан соғлом, жамият олдида масулиятни ҳис қиладиган инсонлар бўлиб вояга етадилар.

REFERENCES

1. И. А. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т.: 2008, 141-бет
2. Г. Шарипова. “ Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиш методикаси” Т. : 2017, 4- бет
3. Г. Шарипова. “ Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси” Т. : 2006, 3- бет